остаётся невысоким и контролируемым.

Таким образом, выбор тактики должен определяться индивидуально: для изолированных повреждений I–II степени предпочтительно консервативное лечение, для тяжёлых и комбинированных повреждений – хирургическое вмешательство.

Заключение. Повреждения МКС коленного сустава чаще всего встречаются у спортсменов и лиц с активным образом жизни. Консервативное лечение эффективно при изолированных повреждениях лёгкой и средней степени тяжести. Хирургическое восстановление связки обеспечивает более высокие показатели стабилизации и ускоряет возвращение к спортивной активности у пациентов с тяжёлыми травмами. Оптимальная тактика должна определяться с учётом степени повреждения и функциональных требований пациента.

ФЕРТИЛ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА HELICOBACTER PYLORI БИЛАН АССОСЦИРЛАНГАН ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ АНЕМИЯСИДА ФЕРРОКИНЕТИК КЎРСАТГИЧЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАҲЛИЛИ

Қодирова М.Н., Нурбаев Ф.Э.
Бухоро давлат тиббиёт институти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 1,6 миллиарддан зиёд одам камқонлик билан азият чекмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи темир танқислиги камқонлиги билан касалланган. Аёллар, айниқса ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар, ушбу касалликка мойил гуруҳга киради. Темир танқислиги камқонлигида организмда темир метаболизмининг барча босқичларида ўзгаришлар кузатилади. Ҳомиладорлик муддати ва ҳомилани ўсиб боришида темирга бўлган талаб кескин ошади. Зарур бўлган микроэлементни ичакда темир реабсорциясини кўпайиши ҳисобида қопланади. Физиологик ҳолатларда бу етишмовчиликни бир қисми захирадаги темир ёрдамида қопланади ва жараён аёлнинг умумий ҳолати ва ҳамда гематолик кўрсаткичларига деярли таъсир кўрсатмайди. Лекин ҳомиладорлик даврида темир захираси ўртача 50% га камаяди. Helicobacter pylori аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда темир танқислиги камқонлиги оғирлашишига олиб келувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Изланиш мақсади: Helicobacter pylori аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда темир алмашинувининг асосий кўрсатгичларини таҳлил қилиш

Материал ва методлар: Helicobacter pylori аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда темир алмашинувининг асосий кўрсатгичлари аниқлашга асосланган.

Олинган натижалар: Зардобдаги темир миқдори Helicobacter Pylori аниқланганларда 7.8±1.0 мкмол/л ва у аниқланмаганларда 12.6±1.2 мкмол/л ни ташкил этди. Улар ўзаро солиштирилганда ишончли фарқ қайд ($p<0.01$) этилди. Ферритин миқдори иккала гуруҳда мос равишда 63.5±3.5 ва 84.2±4.3 мкг/мл га тенг бўлди ҳамди улар орасида юқори ишончли фарқ кузатилди. Трансферрин миқдори биринчи гуруҳда 4.8±0.4 г/л ва иккинчи гуруҳда 4.1±0.3 г/л ни ташкил этиб, фарқлар ишончли ($p>0.05$) бўлмади. Эрувчи трансферрин рецепторлари Helicobacter Pylori мавжуд аёлларда 4.6±0.2 мг/л ни, бактерия аниқланмаган беморларда 3.8±0.3 мг/л ни ташкил этди ва улар орасида ишончли фарқ ($p<0.05$) қайд этилди. Трансферриннинг темир билан тўйиниш даражаси ҳам ўз навбатида биринчи гуруҳда иккинчисига нисбатан ишончли (мос равишда 10.8±1.2% ва 14.7±1.4%, $p<0.05$) паст бўлди.

Хулоса: Helicobacter Pylori мавжуд беморларда темир танқислиги камқонлигининг яққолроқ намоён бўлиши гемоглобин миқдори ва эритроцитларнинг ўртача ҳажми ишончли камайганлиги,феррокинетик кўрсатгичлар орасида ишончли фарқ кузатилди.

HELICOBACTER PYLORI БИЛАН АССОСЦИРЛАНГАН ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИ АНИҚЛАНГАН ТУҒИШ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА ЭРИТРОЦИТЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТГИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Қодирова М.Н., Нурбаев Ф.Э.
Бухоро давлат тиббиёт институти.

Бугунги кунда дунёда 1,6 миллиарддан зиёд одам камқонлик билан азият чекмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи темир танқислиги камқонлиги билан касалланган. Аёллар, айниқса ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар, ушбу касалликка мойил гуруҳга киради. Темир танқислиги камқонлигида организмда темир метаболизмининг барча босқичларида ўзгаришлар кузатилади. Ҳомиладорлик муддати ва ҳомилани ўсиб боришида темирга бўлган талаб кескин ошади.

Изланиш мақсади: Helicobacter pylori билан ассосцирланган темир танқислиги камқонлиги аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда эритроцитларнинг морфологик кўрсатгичлар таҳлил қилиш.

Материал ва методлар: Helicobacter pylori аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда эритроцитларнинг морфологик кўрсатгичлари аниқлашга асосланган.

Олинган натижалар: Маълумки, камқонликда, хусусан темир танқислиги камқонлигида характерли кўринишларидан бири бу эритроцитлар морфологиясининг ўзгариши ҳисобланади. Ушбу ўзгаришларни